Lituz.com

Жим Рон

# ОМАД ва БАХТГА саёҳат



Хориж бестселлери



Америкалик буюк бизнес файласуфининг самарали ғоялари

Lituz.com

*Жим Рон*

УДК: 67.72.(607)
ББК: 85.120 (Э201)

Омад ва бахтга саёҳат/Тузувчи: Жим Рон — Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2017 йил, 84 бет.

ISBN 978-9943-987-46-3

Нашрга тайёрловчи:
**Акмал Нажмиддинов**

ISBN 978-9943-987-46-3

© "Adabiyot uchqunlari" нашриёти, 2017
© А. Нажмиддинов, 2017

Lituz.com



## МУҚАДДИМА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда, барча жабҳаларда бўлгани каби, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни «кучли давлатдан кучли жамият сари» ижтимоий-сиёсий ғоясини амалга ошириш борасида Жим Роннинг мазкур китоби айни муддаодир. Маълумки, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институтини шакллантириб, унинг замирида пойдевор бўлган интеллектуал ёшларни тарбиялаш илк бор бизнинг юртимизда пайдо бўлган. Юртбошимиз ўз маърузаларида ва нутқларида, кенг жамоатчилик билан учрашувларида «XXI аср интеллектуал авлоднинг замони», дея қайта-қайта уқтирадилар.

Қўлингизда тутиб, сиз варақлаб танишаётган «Омад ва бахтга саёҳат» китоби жамиятимизнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаёти ҳақида бир лаҳзага тўхтаб ўйлаб кўришга ундайди. Шунингдек, бугунги кунда ёшларимизнинг мустақил ҳаётга қадам қўяётган муҳим дақиқаларида ундаги маслаҳатларни босқичма-босқич ўз ҳаётига тадбиқ этишга чорлайди. Кейинчалик уни глобаллаштириш режаларини ўргатиб боради. Бу китобда Сиз ўзингиз билан суҳбат қурасиз. Юрагингиз тубидаги армон, орзу, бахт ва омад калитини ҳали ҳам топганингизга ишонмасангиз, «Омад ва бахтга саёҳат» китобини ўзингизга ҳамроҳ қилиб олинг.

Сизга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, азиз китобхон.

*Замонабегим Садаф,* Соҳиба Аъзамова

Lituz.com



## ЖИМ РОН

Бизнес соҳасининг машҳур файласуфи, нотиқ ҳаётда, тадбиркорликда муваффақиятларга эришиш йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Бахт ва омадга эришишнинг 7 усули», «Ақл витамини», «Ҳаёт фасллари», «Янги мингйиллик ва Сиз» каби кўплаб психология – руҳиятга оид китоблар муаллифи Жим Рон 1930 йилда туғилган бўлиб, ушбу соҳада олиб борилган қарийб 40 йиллик фаолияти давомида турли мамлакатларда 5000 дан зиёд аудитория ва 3 миллиондан ошиқ тингловчилар қаршисида омад психологияси, шахснинг ўз-ўзини камолотга етиштириш борасидаги маърузалари билан чиқишлар қилди, узоқ йиллар давомида семинар машғулотлари олиб борди.

Жим Ронни Американинг юздан ортиқ номдор корпорациялари раҳбарларига бизнес борасида қимматли маслаҳатлар берган муваффақият назарияси ва амалиёти мутахассиси сифатида ҳам билишади. У «Coca-Cola», «I.B.M.», «Xerox», «General Motors» каби нуфузли компаниялар фаолияти тизимини ишлаб чиққан, шунингдек миллионер Билл Гейтснинг шахсий «бизнес-мураббийи» бўлган.

Жим Рон 1985 йилда Нотиқлар миллий ассоциациясининг CPAE мукофотини қўлга киритган.

«Ҳаёт нақшининг беш асосий бўлаги» (китобнинг номини «Омад ва бахтга саёҳат» деб ўзгартирдик... – таҳририят) китобида муаллифнинг кўп йиллик изланишлари ва тажрибалари натижасида пайдо бўлган, турли муҳокама ва мунозараларда туғилган, кишиларнинг

Lituz.com



ўз ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга кўмак берувчи қимматли маслаҳатлари, фикрлари жамланган.

Муаллиф ҳаёт нақшининг беш асосий бўлагини ажратиб кўрсатиш орқали кишиларда ўз-ўзини тарбиялаш кўникмасини шакллантиришга, шунингдек уларни ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

Lituz.com

To'liq qismini
Shu tugmani
bosish orqali
sotib oling!